O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
1 ноябрь
ЧОРШАНБА

№ 88
(11.891)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

*Шукрона*



**Кексайиб, ёшинг бир жойга бориб қолганда, ўтган кунларингни, гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ кечган ҳаётингда кўрган-кечирганларингни бот-бот эслайверарkансан киши. Ўтмишнинг баланд-паст, илон изи сўқмоқларида туртиниб-суртиниб яшаган умрингни бугунги осуда, беташвиш, тўкин турмуш тарзинг билан taққослаб, ич-ичингдан қониқиш ҳосил қилиб, дилдан шукроналар айтар экансан. Ким эдигу ким бўлдик деб ўзингга ўзинг савол бериб, жавобидан кўнглинг тўлиб, дилинг яйраркан.**

# ЗАМОННИНГ ҚАДРИГА ЕТИБ ЯШАЙЛИК

Ҳисоблаб кўрсам, балоғат ёшига етиб, эл-юрт кори учун меҳнатга енг шимарганимга ҳам ярим аср бўлиб қолибди. Эсимни таниганимдан бошлаб асосан давлат ташкилотларида, қолаверса, колхоз ва совхозларда ишлаганман. Шу сабаб, хизматим тақозоси билан мамлакатимизнинг вилоят ва туманларида, ҳатто, Россия ва Ўрта Осиёнинг кўпгина ҳудудларида бўлганман, кўплаб дўстлар орттирганман. Улар билан ҳозир ҳам баъзида дийдор кўришиб тураман. Ҳамма нарса солиштирганда билинади. Гапнинг очиғи ана шундай пайтларда Ўзбекистондаги ўзгаришлар, одамлар учун яратиб берилаётган шарт-шароитларни солиштириб, қувониб, фахрланиб қўяман.

Ҳар сафар шу эзгу ниятлардан дилим ёришганда бир ҳодиса ёдимга тушади. 1954 йилнинг саратон ойлари, пахтага ишлов бериш айни қизиган пайтлар эди. Ўша оғир кунларда одамлар жуда қийналиб ҳаёт кечиришган. Менинг акам тенгқурлари билан эртадан кечгача ғўза қатор ораларини юмшатишда қатнашарди. У пайтда ҳозирги техникалар қаёқда дейсиз. Ғўза отда культивация қилиниб, эгат ҳам отда олинарди. Акам бир йўла икки отнинг жиловидан етаклаб, кунига икки ҳисса иш бажараркан. Сабаби – шундай қилса, икки ҳисса овқат бериларди. Тариқ билан кепак аралашмасидан тайёрланган ўша икки ҳисса аталанинг ярмини ўзи ичиб, қолганини «бу укаларимга» деб кечқурун бизга олиб келардилар.

Шундай кунларнинг бирида акам бизнинг насибамиз бўлган аталани кўтариб уйга келаётганида, қўшнимизнинг ити бўшалиб кетиб, роса талабди. Аммо, акам итга ҳар қанча таланса ҳам, қўлидаги атала тўла товоқни ташламай, асраб қолибди.

Яратганга шукрки, энди у кунлар аччиқ бир хотирот, холос. Юртимиз мустақил бўлди, замон ўзгарди. Ишлаганнинг қадр-қиммати, турмуши тикланди. Акам олти ўғилни тарбиялаб, вояга етказди. Бири катта деҳқон, бири замонавий фермер. Уй-жойлари бинойидек. Ҳамма нарса етарли, мўл-кўлчилик. Акам фарзандларининг бахт-иқболини кўриб, кексалик гаштини суриб яшаяптилар. Биз учрашиб, суҳбатлашганимизда, ўша аччиқ кунларни эслаб, болаларимизга ҳам сўзлаб берамиз ва албатта, бугунги кунга шукрона айтамиз. Ахир мустақиллик шарофати билан эл-юрт ҳурликда, бировдан кам бўлмай, эмин-эркин турмуш кечираётганидан қувонмай бўладими? Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободончиликлар-чи, бундан ким фахрланмайди?

Ўзингиз ўйланг, биргина Бўстонлиқ туманимизда мустақиллик йилларида кўплаб кичик корхоналар ишга тушди. Бу минг-минглаб янги иш ўринлари, яъни аҳоли учун муқим даромад манбаи дегани эмасми? Бундан ташқари еттита мактаб, учта касб-ҳунар коллежи қурилди. Бу ўсиб-униб келаётган фарзандларимизнинг келажаги учун қайғуришнинг амалий тимсоли эмасми? 17 та қишлоқ шифокорлик пункти аҳоли хизматига берилиб, ўнлаб оромгоҳлар иш бошлади. Бу заҳматкаш халқимизнинг меҳнатини муносиб қадрлаб, иззат-ҳурматини ўрнига қўйишга яққол мисол эмасми? Чет эл сармоялари киритилган корхоналаримиз 7 тага етди. Мустақил ер эгалари – фермерлар 1500 дан ошди. Бу, Юртбошимиз айтганларидек, Ўзбекистоннинг буюк келажаги сари дадил қадамлар эмасми?

Бундай кенг кўламли ўзгаришларни бизнинг Чинор қишлоғимиз мисолида ҳам кўрса бўлади. Мустақиллик йилларида аҳолимиз тоза ичимлик суви билан тўла таъминланди. Маҳаллий ҳокимлик, ўзимиздан чиқаётган тадбиркорларнинг баҳоли қудрат ёрдамлари билан қишлоғимиз обод бўлиб бораяпти. Буни қишлоғимизга келиб-кетиб турувчилар ҳам таъкидлашяпти.

Мен юртимизда рўй бераётган бу ўзгаришларнинг ҳаммасини Истиқлол неъмати ва албатта, Юртбошимиз бошчилигида олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг меваси, деб биламан.

Мен шу Ватаннинг бир фарзанди, меҳнат фахрийси сифатида юрагимдаги гапни айтмоқчиман. Ўзининг ҳаётини Ўзбекистон деган мамлакатни, ўзбек деган халқни дунёга танитишга, эл-юртининг фаровонлигига бағишлаган мана шундай инсонга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Фурсатдан фойдаланиб, муҳтарам Президентимиз бизнинг келажагимиз, таянчимиз ва суянчимиз деб айтаётган ёшларга, фарзандларимизга бу кунларнинг қадрига етинг, мустақил Ўзбекистонни асраб-авайланг, унинг равнақи йўлида куч-ғайратингизни аяманг демоқчиман.

**Тоҳир ҚОБИЛОВ,**
**меҳнат фахрийси,**
**Бўстонлиқ тумани,**
**Чинор қишлоғи.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси тизимидаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

# ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбирда таъкидланганидек, номи зикр этилган қонун ижросини таъминлаш борасида компания томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ёқилғи-энергетика мажмуини янада ривожлантириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилаётир. Халқ хўжалиги ва аҳолини ёқилғи ҳамда энергия билан узлуксиз таъминлаш йўлга қўйилган. Иқтисодиётнинг барча соҳаларида фаол энергия тежамкорлиги сиёсати олиб борилябти.

Табиий ва хом ашё ресурсларини тежаб ишлатишнинг аҳамияти кун сайин ошиб бораётгани, мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви, маҳсулотлар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда асосий воситалардан бири сифатида ишлаб чиқаришда энергетика самарадорлигини оширишни талаб қилаётгани қайд этилди.

Тизимда жорий йилнинг биринчи ярмида 95,3 миллион киловатт-соат электр энергияси иқтисод қилинишига эришилди.

Йиғилишда қонун ижросини таъминлаш борасида йўл қўйилаётган камчиликларга ҳам эътибор қаратилди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили*

# ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ ЙЎЛИДА

**Ўртачирчиқ туманида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури асосида тиббий муассасаларни реконструкция қилиш, таъмирлаш, тизимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга қаратилган тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, йилнинг ўтган даврида соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, мукаммал таъмирлаш ишларига Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки кредитлари ҳисобидан 33 миллион 150 минг сўм маблағ жалб этилди.**

Жойларда фаолият юритаётган 13 та қишлоқ врачлик пунктлари таъмирланди ва энг сўнгги тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди.

— Ҳомийлар маблағи ҳисобига ҳам бир қатор ишлар қилинди, — дейди туман марказий шифохонаси бош шифокори Икром Қаршибоев. — Масалан, туғруқхона биносининг мукаммал таъмирланишига 34 миллион 400 минг сўм сарф этилди. Шу жараёнда Кучлик нефть базаси 1 миллион 700 минг сўмлик қурилиш материаллари, Охунбобоев жамоа хўжалиги 2 миллион 500 минг сўм маблағ билан ёрдам кўрсатди. Тез тиббий ёрдам бўлимига иккита «Дамас» машинаси олинди. Кўп йиллардан буён муаммо бўлиб келаётган сув минораси таъмирланиб, ишга туширилди.

Дастурнинг биринчи бандида тиббиёт ходими касбининг нуфузи ва мақомини ошириш, тажрибали шифокорлар ва бошқа техник ходимларнинг салмоқли ютуқларини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш масаласига алоҳида урғу берилган. Жамоамизда ўз ишига лаёқатли ва эътиқодли шифокорлар, ҳамширалар ва санитария ходимлари кўп. Фаолияти эътиборга лойиқ бундай ходимларнинг меҳнатини рағбатлантиришга 14 миллион 346 минг сўм маблағ сарфланди.

Дарҳақиқат, туман соғлиқни сақлаш тизими ўз фаолияти доирасида мустақиллик берган имкониятлар туфайли туб бурилиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Бугунги кунда туман марказидан узоқ бўлган қишлоқлар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида марказий шифохона қошида кўчма хизмат бригадаси ташкил этилди.

Республикамиз Конституциясининг 16 йиллиги шарафига шу кеча-кундузда Ўрта сарой, Қайтмас, Ойбек, Гузар, Қорасув ва Роватак каби қишлоқларда соғлиқни сақлаш ходимлари, тарихчи олимлар, ҳуқуқшунослар иштирокида учрашувлар ўтказиляпти. Ҳаётимиз Қомусининг мазмун-моҳияти кенг ва атрофлича таҳлил қилиб берилаяпти.

Яқинда тумандаги собиқ «Ўзбекистон» хўжалигининг биноси марказий шифохона балансига ўтказиб берилиб, у ерда янги қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди.

— Бу 5 минг 579 нафар аҳолига эга қишлоқ учун яна бир қулайлик, — дейди бош шифокор ўринбосари Нилуфар Деҳқонова. — Пунктда стационар даволаш бўлими, стоматология, аёллар маслаҳатхонаси, болаларни эмлаш хонаси мавжуд бўлиб, улар зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланган.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**




***СУРАТДА:** янги қишлоқ врачлик пункти шифокорлари Гулнора Ўрисбоева билан Ойгул Ҳамроева навбатдаги чақирувга отланишмоқда.*

**Муаллиф олган сурат.**

**Ўтган якшанба куни Ғазалкентдаги 6-умумий ўрта таълим мактаби 11 жамоа иштирокидаги сайёҳлик спорт байрамига гувоҳ бўлди.**



# ТОҒ САЙЁҲЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Мусобақа ташкилотчилари — болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ҳамда Чирчиқ шаҳридаги вилоят туризм ва ўлкашунослик маркази учун тадбирни уюштириш осон кечмади. Ботқоқ устига тўшак солиб, маълум бир вақт ушлаб турувчи махсус йўлакча юзага келтириш катта масъулият талаб этди. Турнир иштирокчилари тоғ туризми билан мунтазам шуғулланувчилар бўлиб, уларнинг ҳаракатлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Спорт байрами велосипедчиларнинг чиқиши билан бошланди. Йигитларнинг икки ғилдирак ёрдамида зиналардан қийинчиликсиз, худди трамплиндан сакраётгандек ўтишлари барчани ҳайратга солди.

— Мусобақалар юқори савияда ташкиллаштирилган. Биз бошқа сайёҳлик гуруҳларининг кучларини чамалаб кўрдик ва энг аҳамиятлиси, ўзимизни, ўз кучимизни билиб олиш имкониятига эга бўлдик, — дейди Чирчиқнинг «Пилигриммлар» жамоаси аъзоси Анна Крюкова. — Тоғ туризми ўзига хос истироҳат ҳамдир. Бундан ташқари, ўқишда ҳам ёрдам беради. Айниқса, машғулотлардан сўнг ечими қийин кўринган масалалар ҳам оддий бўлиб қолади.

Жамоалар биринчи ёрдам кўрсатиш, Ўзбекистон тарихи, тиббиёт ҳамда ўлкашунослик соҳаларида баҳслашишди. Эпчиллик ва чаққонлик бобида барча рақибларини ортда қолдирган «Пилигриммлар» жамоаси биринчиликни қўлга киритди. Ғолибларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Отаёр ТОҒАЕВ.**
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

# «КАПИТАЛ-БАНК» ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ

**"Капитал-банк" пул ўтказиш бўйича "Migom" хизматини кўрсатишни бошлади. Бу "Капитал-банк"нинг "Western Union" ва "Contact"дан кейинги учинчи тизими бўлиб, барча мини-банкларида ўз мижозларига сифатли хизмат кўрсатишнинг ягона стандартини таъминлайди.**

Банк матбуот хизматининг маълум қилишича, "Migom" тизими МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларида жисмоний шахслар ўртасида носавдо пул ўтказмаларини амалга ошириш дастуридир.

"Migom" пул ўтказмалари зудлик билан пул ўтказиши ёки олиши лозим бўлганлар - мавсумий ишчилар, талабалар, сайёҳлар, қариндошлари ва яқинларига пул юборадиган одамлар учун жуда қулай. Шуни таъкидлаш керакки, пул ўтказиш тизимлари хизматларига аҳоли томонидан эҳтиёж катта. Шу сабабли бу пул олишни осонлаштиради, вақтни олмайди ва ишончлилиги билан ажралиб туради.

"Капитал-банк" аҳолининг молиявий хизматларга талаби ортиб бораётганини ҳисобга олиб, уларга банкнинг кенг тармоғидан фойдаланиш имкониятини тақдим этмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистоннинг аҳоли зич жойлашган туман ва шаҳарларида филиаллар ҳамда мини-банклар ташкил этилмоқда.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ГАЗЕТАСИ

**"Корея Хурсандман" – Корея Республикасида ўзбек тилида чоп этила бошлаган газета ана шундай номланади.**

Жанубий Кореядаги шу номли фирма томонидан таъсис этилган нашр ушбу мамлакатдаги юртимиз фуқароларини Ўзбекистонда рўй бераётган энг асосий сиёсий, иқтисодий ва маданий янгиликлардан бохабар этишни мақсад қилган.

Айни пайтга келиб газетанинг иккита сони босмадан чиқди. Улардан мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй берган воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги хабар ва мақолалар жой олган. Газетхонлар эътиборига, жумладан, "ЎзДэуАвто" Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси, Ўзбекистонда фаолият бошлаган Россиянинг "Билайн" уяли алоқа компанияси, Ўзбекистон-Жанубий Корея Тараққиёт банкининг очилиши, "ICT Expo 2006" биринчи Миллий ахборот технологиялари кўргазмаси ҳамда "AutoMotorShow 2006" халқаро кўргазмаси тўғрисидаги маълумотлар ҳавола этилган.

Газетадаги "Ҳидоят", деб номланган махсус рукн остида эса ўзбек халқ мақоллари ва шеърлари чоп этилган. Бундан ташқари, спорт ва маданият янгиликлари, халқаро майдонда кечаётган воқеалар ҳам нашр муаллифларининг эътиборидан четда қолмаган.

"Корея Хурсандман" газетасини ҳафталик асосда нашр этиш режалаштирилмоқда.

**«Жаҳон» АА.**

# МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР ФЕСТИВАЛИ

**Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма театрида болалар миллий халқ ўйинлари республика фестивали якунланди. Унда барча вилоятлардан жамоалар иштирок этди.**

Ёшлар маънавий дунёқарашини бойитиш, уларнинг миллий анъаналарга қизиқишини кучайтириш мақсадида ташкил этилган мазкур фестивалда болалар фольклор қўшиқлари жўрлигида миллий халқ ўйинларини намойиш этди.

Белгиланган шартларга кўра юқори балл тўплаган Бухоро вилоят Ўқувчилар саройи қошидаги ашула ва рақс гуруҳи олий совринга муносиб топилди. Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилояти вакиллари кейинги ўринларни эгаллади.

**Э. ЁДГОРОВ, ЎзА мухбири.**

**ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ**

## ҲОМИЙЛАР САХОВАТИ

**Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан «Ўзметкомбинат» АИЧБ жамоаси хайр-саховат ишларига муносиб ҳисса қўшмоқда.**

Хусусан, шаҳардаги кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларнинг 15 нафарига бир бошдан қорамол бериш режалаштирилган бўлиб, бугунгача 3 та хонадонга соғин сигир олиб берилди.

## ТЎГАРАК ИШ БОШЛАДИ

**Чирчиқ шаҳридаги 14-меҳрибонлик уйида «Нафосат тўгараги» ташкил этилди.**

Унга аъзо бўлган 50 нафардан зиёд ўсмир ёшдаги қизлар иштирокида илк учрашув шаҳардаги 1-даволаш маскани етакчи мутахассислари билан ўтказилди.

Давра суҳбатида ўсмирларни ҳаётга тайёрлаш, шахсий гигиена, сиҳат-саломатлик ҳамда ОИТСга қарши курашиш масалалари теварагида фикр алмашинилди.

## МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ КАТТА

**Янгийўл шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан маърифий кеча ташкил этилди.**

Шаҳардаги «Янгийўл синема» кинотеатрида бўлиб ўтган тадбирда қўмита фаоллари, маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, турли таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар иштирок этишди. Сўзга чиққанлар ёшларни турмушга тайёрлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари фаоллигини янада кучайтириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Кеча сўнгида «Ўзбеккино» ижодкорлари томонидан суратга олинган «Қайдасан, муҳаббат» бадиий фильми намойиш этилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ЯПОНИЯДА ТАЖРИБА ОШИРДИ

Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси Чирчиқ шаҳар бўлими етакчи мутахассиси Фурқат Қурбонов республика миқёсидаги танловда ғолиб чиқиб, Кунчиқар мамлакатда бир ойлик малакавий курсни тамомлаб қайтди. JICA халқаро ташкилоти томонидан ташкил этилган мазкур саёҳат мобайнида вакилимиз хориж тажрибаларини ўрганиб, касбий маҳоратини янада оширди.

# ИМЗОЛАНГАН ШАРТНОМАЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

**Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазмасида битта ташкилот – "Texno Food Servis" масъулияти чекланган жамияти иштирокида умумий қиймати 700 минг АҚШ долларига тенг 40 та шартнома имзоланди.**

Ўзбекистонга ускуналар олиб келиш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш билан шуғулланувчи "Texno Food Servis" МЧЖ мижозлари орасида мамлакатимизнинг қатор вилоятлари вакиллари бўлган фермерлар ва қишлоқ тадбиркорлари кўп. Таҳлил шуни кўрсатдики, сабзавот ва меваларни қуритиш, ичимликларни қуйиш, ун, макарон, сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қадоқлаш-ўраш ускуналари, умуман, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли қайта ишлаш учун зарур бўлган барча техника воситаларига талаб катта. Ҳозир қишлоқ тадбиркорлари кўргазманинг ўзида банклар ва лизинг компаниялари вакиллари ёрдамида ўзлари учун зарур технологик линияларни сотиб олиш учун молиявий ҳужжатларни расмийлаштирмоқда.

Илгари хабар қилинганидек, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган кўргазмада дунёнинг 25 мамлакатидан 200 га яқин компания қатнашмоқда. Фермерлар ва қишлоқ тадбиркорлари бу ерда намойиш этилаётган жуда кўп ускуналар орасидан ишлаб чиқариш хусусиятлари бўйича ўзларига мосини танлаб олиши қийин бўлар эди. Шу сабабли кўргазма доирасида турли компанияларнинг тақдимотлари ташкил этилмоқда. Жумладан, Франциянинг қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарувчилари бош корпорацияси – "Сигма" шундай тадбир ўтказди. Франциянинг мазкур тармоқдаги "Франке", "Лафорж", "Бургуан", "Маниту", "Форж де Нио" каби йирик компаниялари вакиллари ўзлари ишлаб чиқараётган техниканинг имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берди. Ўзаро фойдали ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Франция тадбиркорлари Ўзбекистон ташқи савдо ташкилотлари вакиллари билан музокаралар ўтказди. Ўзбек бозорини янада синчиклаб ўрганиш учун маркетинг тадқиқотлари олиб бориш тўғрисида келишиб олинди.

Кўргазма ишининг биринчи ҳафтаси давомида Италия, Германия, Голландия, Россия, Австрия, Туркия компаниялари иштирокида ҳам шундай семинар-тақдимотлар ўтказилди.

– Фермерлар учун зарур шунча кўп техниканинг бир жойда тўпланганини биринчи бор кўришим, харидорлар ва ишлаб чиқарувчилар учун яратилган шароитлар ҳам эътирофга лойиқ,– деди Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани "Меҳржон" фермер хўжалиги ижрочи директори С. Турғунбоев. – Хўжалигимиз майдонининг ярмини мевали боғ ташкил қилади, сабзавот ва ғалла ҳам етиштирамиз, 12 бош қорамол боқиладиган кичкина фермамиз ҳам бор. Ёзда "Меҳржон" болалар соғломлаштириш лагерини ўз маҳсулотларимиз билан таъминлаймиз. Энди турли ярим тайёр ошхона маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳисобига йил давомида ишлашга ўтамиз. Бунинг учун Польшанинг Озиқ-овқат машинасозлиги институти билан кичкина, аммо қуввати катта технологик линияни сотиб олиш ҳақида шартнома тузяпмиз. Исроилнинг сутни қайта ишлаш ускуналарини ҳам харид қилиб, йогуртлар, пишлоқлар ишлаб чиқариш мўлжалимиз бор.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**– Ўзбекистонлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар билан олиб борилган музокаралар ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш имконини берди, – деди Франция трактор ва қишлоқ хўжалиги ускуналарини ишлаб чиқарувчилар Бош касаба уюшмаси (SIGMA) халқаро департаменти раҳбари Оттен Аньес.**

## ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Қишлоқ хўжалиги машинасозлигига ихтисослашган ўндан зиёд корхоналар вакилларидан иборат SIGMA делегацияси Тошкентда очилган Uzbekistan "Agrominitech Expo – 2006" қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар ихтисослашган халқаро кўргазма-савдосида иштирок этди. Улар ўз маҳсулотларини намойиш этиш баробарида, мамлакатимизнинг соҳага оид вазирлик ва идоралари вакиллари билан учрашишди.

О. Аньеснинг сўзларига қараганда, делегация аъзоларида Тошкент вилоятидаги машина-трактор парки фаолияти, бу ердаги сифатли техник хизмат кўрсатиш ишлари катта таассурот қолдирган.

**«Туркистон-пресс».**

*Саноат*

# ЭКСПОРТДАН САЛМОҚЛИ ФОЙДА

**Чирчиқдаги «Ўзбекистон кимё машинасозлик заводи» очиқ акциядорлик жамияти ишлаб чиқараётган асбоб-ускуналар жаҳон бозорида ҳам рақобатбардош бўлмоқда.**

Бу корхона машинасозлари мамлакатнинг нефть-газ саноати жадал ривожланишига муносиб ҳисса қўшишяпти. Иқтисодиётимизнинг бу етакчи тармоқларидан бирининг эҳтиёжлари учун жиҳозлар тайёрлаш жамоанинг асосий вазифаси бўлиб қолган. Унда ишлаб чиқарилаётган турли-туман замонавий асбоб-ускуналар нефть ва «зангори олов» қазиб чиқарувчилар ва уларни қайта ишловчилар учун жуда асқотмоқда. Шунингдек, саноатнинг бошқа қатор тармоқлари ходимларининг оғирини енгил қилмоқда.



Марказий Осиёда ягона бўлган бу очиқ ҳиссадорлик жамиятида тайёрланаётган нефть-газ саноати учун жиҳозлар, иссиқлик алмаштирувчи ускуналар, бутловчи анжомлар, озиқ-овқат саноати учун турли сиғимдаги идишлар, фильтрлар, экологик мосламалар, марказдан қочувчи сўрғичлар, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиб яратилган турли рўзғор буюмлари, мижозларга ускуналарни ўрнатиш, ишлатиш ва таъмирлашда ёрдам бериш... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Бундай маҳсулотлар ва хизматларга талаб муттасил ортиб бормоқда. Шуни ҳисобга олган жамоа ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, айниқса маҳсулотлар сифатини яхшилаш, таннархни арзонлаштириш йўлида изланаяпти. Шу мақсадда ишлаб чиқариш жараёнлари тинмай такомиллаштириляпти, янги технологиялар ва замонавий техника воситалари жорий қилинмоқда, ишчи-хизматчиларнинг малакаси оширилмоқда, илғор иш усуллари қўлланилмоқда, ишчи-хизматчиларнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлиги ортмоқда, уларни ижтимоий муҳофазалаш кучайтирилмоқда. Шундай чора-тадбирлар туфайли корхона маҳсулотлари ўзининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан чет элларда ишлаб чиқарилаётган ўхшаш асбоб-ускуналардан қолишмайдиган бўлиб қолди.

Маҳсулот замонавий андозаларга ҳар томонлама тўла жавоб бераётгани учун корхонанинг ички ва ташқи бозордаги буюртмачилари кўпаймоқда. Нефть-газ саноатида ишлатишга мўлжалланган асбоб-ускуналар россиялик, қозоғистонлик, туркманистонлик ва бошқа қатор мамлакатлардаги харидорларга ҳам етказиб берилмоқда.

Экспорт қилинаётган маҳсулот ҳажми йил сайин ошмоқда. Чунончи, у 2002 йилдан буён деярли уч ярим баравар кўпайди. 2004 йилда 912 минг долларга етди. Ўтган йили хорижий мижозларга етказиб берилган машинасозлик маҳсулоти 2 миллион доллардан ҳам ошиб кетди.

Буюртмачиларнинг кўпайиши, аввало маҳсулот экспорти ҳажмининг ортиши бозор иқтисодиёти шароитида энг муҳим кўрсаткич — фойда олишнинг кескин ошишига олиб келди. Тайёр маҳсулотни сотишдан тушган фойда 2002 йилда 1 миллиард 434,9 миллион сўм бўлса, ўтган йили деярли 2,5 миллиард сўмга борди. Бу йил фойда салмоғи янада катта бўлиши кутилмоқда.

Эришилаётган ютуқларда корхонанинг кимё ускуналари цехи ишчи-хизматчиларининг улуши салмоқлидир. Нефть, газ ва саноатнинг бошқа тармоқларида фойдаланишга мўлжалланган мураккаб асбоб-ускуналар, анжомлар ва мосламаларнинг аксарият қисми шу цехда тайёрланади. Бу пешқадам бўлинма жамоасининг иш кўрсаткичлари доим юқори бўлмоқда. Товар ишлаб чиқариш ҳажми 2002 йилда 2 миллиард 551,8 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2006 йилнинг биринчи ярмидаёқ буюртмачиларга 3 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот етказиб берилди.

Маҳсулот экспортининг барқарорлиги машинасозларга ҳар томонлама қўл келмоқда. Ундан тушган маблағ ҳисобига ишлаб чиқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган кўпгина муаммолар ҳал этиляпти, жамият учун жуда зарур бўлган техника воситалари харид қилиниб, ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Жамоа ашёлар етказиб берувчилар ва буюртмачилар билан тузилган шартномалар шартларига тўла амал қилиши билан улар олдидаги мавқеини янада мустаҳкамламоқда. Энг муҳими, ўзининг «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси босилган машина-механизмларини жаҳонга кўз-кўз қилмоқда.

**Собир ҲАМИДОВ.**

«Эрталаб ишга, кечқурун уйга ошиқадиган инсон бахтлидир», дейишади кўпни кўрганлар. Жўра Маматқулов ҳам ана шундай инсонлар тоифасидан. У кўп йиллардан буён Оққўрғон туманидаги машина-трактор паркида меҳнат қилиб келаётир. Ўзига нисбатан талабчанлиги, бошлаган ишини охирига етказмагунча тиниб-тинчимаслиги билан жамоада ҳурмат қозонган.



***СУРАТДА:** Жўра Маматқулов ҳамкасби Нуриддин Абдураҳмонов билан анжомлар созлигини текшириб кўришмоқда.*

**Пардабой ЭРГАШЕВ олган сурат.**

## ИНСОН САВДОСИГА ҚАРШИ

**Беларусь республикаси ташаббуси билан БМТнинг Бош Ассамблеяси "Қуллик ва инсон савдосига қарши кураш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришни янада яхшилаш" тўғрисидаги резолюцияни қабул қилди.**

Беларусь резолюциясига 20 та давлат ҳаммуаллифлик қилди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси ўзининг ҳаммуаллифлигини биринчилардан бўлиб расмийлаштирди.

Мазкур муҳим ҳужжат ҳозирги замон қулфурушлари қурбонига айланган инсонлар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган.

Резолюция барча давлатларни, халқаро ташкилотларни қулликнинг барча шаклларига қарши курашиш, алдов қурбонлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда жиноятларнинг олдини олиш йўлида ҳамжиҳатликда иш олиб боришга чақиради.

**«Туркистон-пресс».**

## МАҚСАД – ЯНГИ ЖАМҒАРМА ТУЗИШ

**Тошкентда "Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий мулоқотни йўлга қўйиш ва ривожлантиришдаги ўрни" мавзуида Ўзбекистон жамоат ташкилотлари форуми бўлиб ўтди.**

У янги жамоат ташкилоти – Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини (ИТҚҚЖ) ташкил этишга бағишланди. Уни мамлакатимизнинг қатор ноҳукумат тузилмалари таъсис этди. Улар орасида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) миллий уюшмаси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Меҳр нури" хайрия жамғармаси, "Экосан" халқаро экология ва саломатлик ташкилоти бор. Форумда Олий Мажлис Сенати аъзолари, республика ва минтақавий ННТлар, ишбилармон доиралар, мамлакатимизда аккредитация қилинган оммавий ахборот воситалари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ННТларнинг республика ҳудудларида амалга оширилаётган ижтимоий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, шунингдек мақсадли дастур ва тадбирларни мувофиқлаштириш учун ташкил этилди. Бундай жамғармани тузиш ғояси 2006 йил март ойида ҳомийлик ва ижтимоий ташаббуслар масалалари бўйича ўтказилган форумда илгари сурилган бўлиб, уни форум қатнашчилари – республика ва вилоят ННТлар ва мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг 100 дан ортиқ вакили қўллаб-қувватлади. Улар Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёрликларини билдирди.

**ЎзА.**


## Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди

### «Кичик грантлар танлови»ни эълон қилади

**"Кичик грантлар танлови" доирасида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, муҳим гуманитар, социал-иқтисодий ва бошқа ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли масалаларни ҳал этиш ва фуқаролик жамиятини ўрганиш институтларини ривожлантириш мақсадида ўз фаолиятини қуйидаги соҳаларга йўналтирган нодавлат нотижорат ташкилотлар қўллаб-қувватланади:**

*- ижтимоий масалаларни ҳал қилишда ННТларнинг давлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар), жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;*

*- фуқароларни ишга жойлаштириш ва янги иш ўринлари яратиш, касбга ўқитиш;*

*- фермерларнинг ва қишлоқ жойлардаги тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, уларда бозор иқтисодиёти кўникмаларини ривожлантириш ва уларни ҳуқуқий ҳимоялаш.*

**Тақдим этиладиган грантларнинг энг катта миқдори – 5 миллион сўм.**

Танловда адлия органларида рўйхатдан ўтган ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясига (ЎзННТМА) аъзо ташкилотларгина иштирок этиши мумкин.

Танлов шартлари билан ЎзННТМА ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фондида, шунингдек, **www.ngo.uz** сайтида батафсил танишиш мумкин.

Мамлакатнинг турли ҳудудлари вакиллари бўлган танлов иштирокчилари тегишли ҳужжатларни электрон почта орқали юборишлари мумкин.

Вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролар йиғинлари, давлат муассасалари ва лойиҳа бўйича ҳамкорларнинг қўллаб-қувватловчи хатлари эътиборга олинади.

**Ҳужжатлар танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, 2006 йил 30 ноябрь куни соат 16.00 гача қабул қилинади.**

Маълумот учун Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фондига мурожаат қилишингиз мумкин.

**Тел.: 133-18-54.**
**Электрон манзил: fundgro@rambler.ru.**


*Ижро интизоми*

# ТЕКШИРУВ ШАРТИ – ҲАЛОЛЛИК ВА ТАЛАБЧАНЛИК

**Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят ҳудудий комиссияси йиғилишидан кейинги ўйлар**

Биз демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бораяпмиз. Бу саъй-ҳаракатлар бир-бирига боғлиқ жуда кўп жараёнларни ўз ичига олади. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ўз салоҳиятини намоён этишга интилаётган тадбиркорларни, ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш устувор йўналиш десак, янглишмасак керак. Чунки, жамиятдаги янгиланишлар, иқтисодиётни юксалтириш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш кўп жиҳатдан тадбиркорлик ҳаракатида эркинлик, уларнинг эмин-эркин, ҳар қандай ноқонуний дахл қилишлардан ҳимояланишларига, ишонч билан фаолият юритишларига боғлиқ.

Кейинги йилларда мамлакатимизда шундай маънавий-ҳуқуқий муҳитни яратиш борасида кўп иш қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, уларнинг фаолиятига ноўрин аралашувларнинг олдини олишга қаратилган фармон ва қарорлари, тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилувчи қонунчилик асосларининг муттасил такомиллаштириб борилаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Тадбиркорлик йўлидаги ноқонуний ғовларни кўтариб ташлашда назорат қилувчи давлат идоралари фаолиятларини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссияларнинг саъй-ҳаракатлари тобора муҳим ўрин тутаётир. Улар асосий ҳолларда фирмалар, кичик корхоналар, фермер ва хусусий хўжаликларнинг ишлаб чиқариш-молия ишларини текширишларни тартибга солиб, ўзаро мувофиқлаштириб, бу борада қонун бузилишларининг олдини олишга эришмоқда.

Аввало, ҳудудий комиссиялар асосий эътиборни тадбиркорларнинг иқтисодий билимларини ошириш, ҳуқуқий маданиятини кўтариш борасида кенг кўламли тадбирларни амалга оширишга қаратаётганини таъкидлаш керак. Бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни чеклаш, бу борада камчиликларга йўл қўйган мансабдорлар жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари хусусидаги сўнгги фармонлар, улардан ҳам тадбиркорлар, ҳам назорат қилувчи идоралар ходимлари учун келиб чиқадиган вазифалар билан тадбиркорлару текширувчиларни таништириш жараёнида яққол намоён бўлмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, тадбиркорлар текширишлар мобайнидаги ноқонуний хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ муаммоларни рўйрост кўтариб чиқмоқдалар, ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояланишини сўраб, ҳудудий комиссияларга мурожаат қилаётирлар. Буни вилоятимиз ҳудудий комиссияси қошида ташкил этилган «Ишонч телефони» хизматига мурожаатлар кўпайиб бораётганлигидан ҳам кўрса бўлади.

Текширишларни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришнинг иккинчи жиҳати ҳам йўқ эмас. Бу ўринда гап хўжалик субъектларини текширишлар чоғида қонунийликни таъминлаш, бу ишни таъсирчан ва самарали ташкил этиш муаммолари хусусида бормоқда. Афсуски, вилоят ҳудудий комиссиясининг ишчи гуруҳи адлия ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган мониторинглар натижасида айрим назорат идораларининг ваколатли текширувчилари жойларда «Текширувларни рўйхатга олиш китоблари»ни тўлдиришда ҳамон камчиликларга йўл қўяётганликлари аниқланди.

Текширишларни ташкил этиш билан боғлиқ иккинчи жиддий муаммо муҳим ишни режалаштиришга бўлган муносабатда юзага қалқиб чиқмоқда. Айрим вилоят, шаҳар ва туман назорат идоралари у ёки бу хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқий ҳолатини чуқур, ҳар жиҳатдан ўрганмасдан шу корхонада текшириш ўтказишни режа-жадвалга киритиш таклифи билан чиқмоқдалар. Кейинчалик, бевосита текширувларни бошлаш арафасида айни шу корхона аллақачон ўз фаолиятини тўхтатиб қўйганлиги аниқланаётир. Натижада, ўтказилмай қолиб кетган текширишлар камаймаётир.

Ёки, аксинча, режадан ташқари текширишлар ҳам ҳамон кўп. Айтайлик, биринчи ярим йилликда вилоят назорат идоралари ҳар бешинчи текширишни режадан ташқари ўтказди. Тўғри, бунда фавқулодда жиҳатлар таъсири кучли. Лекин айни шу ташкилотлар, айтайлик ўтган йили режадан ташқари 275 та текшириш ўтказганлиги эътиборга олинса, текширишларни режалаштиришдаги кемтик жиҳатлар ойдинлашади. Давлат солиқ идоралари ҳам савдо қоидалари ва нақд пул тушуми бўйича ўрнатилган тартибга риоя этилиши бўйича 308 та қисқа муддатли текширишни олдиндан режалаштирмасдан ўтказган.

Халқнинг бир гапи бор: «Режасиз иш — қолипсиз ғишт». Айтмоқчимизки, ҳар бир ишда режасизлик шошма-шошарликка, юзакичиликка, асосийси — самарасизликка олиб келади. Кучлар бўлиниб, пароканда бўлиб, олдиндан мўлжаллаб қўйилган ишлар аросатда қолиб кетишига сабаб бўлади. Буни вилоят ёнғин хавфсизлиги, стандартлаштириш ва метрология бошқармалари, «Саноаттехназорат» агентлигининг вилоят бўлимида текширишларни ташкил этишнинг ўтган йилги «тажрибалари» ҳам тасдиқлайди. Чунончи, ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари йил давомида режадан ташқари 24 та текшириш ўтказгани ҳолда ёнғин хавфининг олдини олишни кўзлаб режалаштирилган 90 та текширувнинг белгиланган муддатларда ўтказилишини таъминламади.

Текширишларнинг самарадорлиги — муҳим кўрсаткич. Ахир, на давлат манфаати, на текширилувчи учун натижаси бўлмаса, бундай текшириш кимга ва нима учун керак?

Хўш, текширишлар самарадорлигини белгилаш мезонлари қандай? Ҳозирча бу кўрсаткич фақат текширишларда камчиликларнинг аниқланиш даражаси билан белгиланади. Назаримизда бу кўпинча текширувчининг субъектив хулосасига боғлиқ бўлиб қолади, ходимнинг иш фазилатлари — маънавий қиёфаси, ўз бурчига қанчалик содиқлиги, касбий ҳалоллиги ва инсоний холислигига бориб тақалади. Гоҳи ҳоллардаги «тирноқ остидан кир қидириш» шунинг оқибатидир.

Текширишлар самарадорлиги ҳақида гапирганда яна бир кўрсаткич эътиборга молик. Бу ўринда аниқланган камчиликлар бўйича қўлланилган жазо чоралари натижасини назарда тутмоқдамиз. Чунончи, ўтган йилнинг дастлабки тўққиз ойи давомидаги текширишларда аниқланган молиявий камчиликлар бўйича 17 миллиард сўмдан кўпроқ миқдорда молиявий ва иқтисодий жазо қўлланилиб, ҳисобот даврида унинг 73,4 фоизи бюджетга ундирилмай қолган. Бундай бепарволик (ёки бефарқлик) текширишлар самарасизлигини кучайтиради, холос.

Биз қонун устуворлиги ҳақида кўп гапирамиз. Бу ҳар соҳада муҳим. Жумладан, назорат идоралари фаолиятида ҳам. Чунки, назоратчи, текширувчи, ҳеч шубҳасиз, қонунларимиз, уларнинг талаблари билан яхши таниш. Акс ҳолда унга бундай масъулиятли хизмат асло юкланмайди. Тадбиркорлик фаолиятида қонунларга риоя этилишини текширувчи бундай ходимда қонунга чуқур ҳурмат бўлмаса, у қоннуни билса-ю, унга амал қилмаса, одамларда қонун устуворлигига ишонч йўқолади. Демак, биз барпо этаётган ҳуқуқий жамиятни шакллантиришда жумбоқлар келиб чиқаверади. Бунга барҳам бериш, Юртбошимиз айтмоқчи, қонун устуворлигини таъминлаш учун қонун эгалари — қонунларимиз ижросини таъминловчиларга икки-уч баробар юқори талаблар қўйишни тақозо этади. Буни ҳар бир текширувчи, назорат қилувчи идораларнинг барча ходимлари ҳамиша ёдда тутиши керак.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# ДАРСЛИКЛАР КЎРГАЗМА-ЯРМАРКАСИ БОШЛАНДИ

**Пойтахтимиздаги Республика ўқувчилар саройида 2007-2008 ўқув йили учун нашр этилиши режалаштирилган мактаб дарсликлари ва ўқув адабиётлари кўргазма-ярмаркаси очилди. У Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда "Ўзкитобсавдо" давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 31 майда қабул қилинган "Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан бугунги кунда таълим муассасалари ўқувчиларини ўқув адабиётлари билан таъминлашнинг изчил механизми яратилмоқда. Мазкур кўргазмани ташкил этишдан кўзланган мақсад ҳам ушбу қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашдан иборатдир.

Илк бор ташкил этилган кўргазмада "Ўзбекистон", "Ўқитувчи", Ғафур Ғулом, Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти каби муассасаларда тайёрланган мингдан ортиқ адабиёт билан танишиш мумкин. Улар асосан 2007-2008 ўқув йилида чоп этилиши режалаштирилган ўқув адабиётлари, дарсликлар, қўлланмалар, кўргазмали воситалар, плакатлар, мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-бадиий адабиётлардан иборат. Бу ерда нафақат ўзбек тилида, балки таълим бошқа – рус, қорақалпоқ, қозоқ, тожик, туркман, қирғиз тилларида олиб борилаётган мактаблар учун тайёрланган ўқув қўлланмалари ҳам бор.

Кўргазмага қўйилган дарслик намуналарининг аксарияти замон талабига мос – ҳам мазмунан, ҳам дизайни жиҳатидан мукаммалаштирилгани, бунда муаллифларнинг, мактаб ўқитувчилари, ота-оналар, ўқувчилар ва мутасадди ташкилотларнинг фикр-мулоҳазалари эътиборга олингани аҳамиятга моликдир.

Бир ой давом этадиган кўргазма мобайнида иштирокчиларнинг ўқув адабиётлари ҳақидаги фикрлари янада кенгроқ ўрганилади. Дарслик муаллифлари билан давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилиши кўзда тутилган. Билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида дарсликлар мазмуни, сифати ва ташқи кўриниши янада бойитилади, такомиллаштирилади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## *Нишондорларимиз*

# ЯХШИ ФАРЗАНД ЕТКАЗАР МУРОДГА

**Азалдан ўзбек хонадонида ўғил дунёга келса, авлод давомчиси деб хурсанд бўлиб, маҳалла-кўйга тўй берилади. Кексаларимиз эса, дуога қўл очиб, гўдакнинг келажаги порлоқ бўлишини, эл-юрт корига ярайдиган, умрини Ватанига, оиласига бағишлаб яшашини ният қилишади. Алимуҳамедовлар оиласида икки ўғлон вояга етди. Уларнинг ҳар томонлама етук бўлишини ўйлаб, ота-оналари турли йўналишлардаги тўгаракларга қатнашишларига имконият яратиб беришди. Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими тезкор вакили Руслан Алимуҳамедов шундай вояга етди. У мактаб даврлариданоқ детектив китобларни кўп ўқир, шу мазмундаги фильмлар унинг жону дили эди. Уни асар ёки фильмдаги воқеа-ҳодисанинг тагига полициячи қандай етиши кўпроқ қизиқтирарди.**

Ёшлик даврини акасининг ортидан юриб ўтказди. Тўғрироғи, у билан бирга машғулотларга бориб, спортнинг қўл жанги тури билан жиддий шуғулланди. Натижада, кўпгина спартакиада, ўсмир ва ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда қатнашиб, яхши ўринларни қўлга киритди. Мактабни тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўйишини ўйлаб юрган Руслан ҳеч иккиланмай, акаси Вячеславнинг изидан боришни мақсад қилди.

1998 йили Руслан ҳужжатларини Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юртига топширди. У ерда қизиқувчанлиги, спортга бўлган муносабати билан эътибор қозонди. Мусобақаларда қатнашиб, ўрнак кўрсатди. Билим юртида устозларидан олган билимлари бугунги кунда амалиётда қўл келаётганини у ҳамиша эътироф этади.

Билим юртини яхши хулқ ва аъло баҳолар билан тугатгач, жазони ижро этиш муассасаларидан бирига тезкор вакил этиб тайинланди. У ерда шахсий таркиб билан тезда тил топишиб кетди. Хизматнинг сир-синоатларидан воқиф бўлди.

– Руслан 2006 йилнинг январь ойидан буён бўлимимизда тезкор вакил бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди жиноят-қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили Шуҳрат Деҳқонов. — У ўзининг тиришқоқлиги, синчковлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Шу кунгача унинг бевосита иштирокида ва фаоллигида битта талончилик, олтита гиёҳвандлик, саккизта ўзгалар мол-мулкини ўғирлаш, битта машина олиб қочиш каби жиноятлар фош этилди.

Баҳорнинг март ойлари эди, Янгийўл шаҳар деҳқон бозори олдидан «ВАЗ-2106» русумли автомобиль олиб қочилганлиги ҳақида хабар тушди. Зудлик билан тезкор гуруҳ тузилиб, воқеа жойига чиқилди. Дастлаб шу атрофдаги одамлар билан суҳбатлар ўтказилди. Натижада мазкур жиноятга қўл урган шахснинг ташқи кўриниши, кийиниши ҳақидаги маълумотларга эга бўлган гуруҳ ишни давом эттирди. Тез орада машина шаҳар атрофида айрим эҳтиёт қисмлари ечиб олинган ҳолда ташлаб кетилганлиги аниқланди. Тинимсиз меҳнат, суриштирувлар, тезкор тадбирлар натижасига кўра, машина олиб қочганликда фуқаро Д. Абдуҳолиқ гумон қилинди. Ички ишлар ходимлари унинг изига тушдилар.

Жиноятчи муқаддам қилмишлари учун икки марта судланганди. У қуролланган бўлиши, изига тушилганини билса, ҳар қандай жиноятга қўл уриши ҳеч гап эмас эди.

Унинг уйида эканлигидан хабар топган тезкор гуруҳ ходимлари кечки пайт етиб боришди. Эшик олдига тезкор вакил Руслан Алимуҳамедов ва шу ҳудуд ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими профилактика катта инспектори Бахтиёр Пармоновлар келишди. Қолган уч нафар ички ишлар ходими белгиланган жойларни эгаллашди.

Овозни эшитиб, ичкаридан чиққан уй эгасига яқинроқ бориш учун Руслан ҳовлига кирди. У ўзини таништириб, гувоҳномасини кўрсатиб, бир ишда гумон қилинаётганлигини айтганидан сўнг, Д. Абдуҳолиқ Русланга ҳақоратомуз сўзлар билан гап ташлади. Шу пайт уларнинг ёнига яқинлашиб келаётган профилактика инспектори Б. Пармоновга Д. Абдуҳолиқ енгидан пичоқ чиқариб ташланиб қолди. Шу заҳоти тезкор вакил Руслан Алимуҳамедов абжирлик билан ҳаракат қилиб, жиноятчининг хатти-ҳаракатларига тўсқинлик қилди ва уни ерга йиқитиб, қўлига кишан солди...

Ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса ҳам қуролланган жиноятчини қўлга олган Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлими тезкор вакили Руслан Алимуҳамедов учун бу олишув чинакам касбий маҳорат, жисмоний, жанговар тайёргарлик борасида катта имтиҳон бўлди, десак муболаға бўлмайди. Унинг бу жасорати муносиб тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан, мустақилликнинг 15 йиллиги арафасида у «Жасорат» медали билан тақдирланди.

**Шерали АНВАРОВ,**
**вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази катта инспектори.**

**Пойтахтдаги "Марказий" меҳмонхонада Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан Ўзбекистондаги АҚШ Миллий демократик институти ва Фридрих Эберт жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Марказий Осиё мамлакатларида фуқаролик жамияти асослари шаклланишида Ислом омили, анъана ва урф-одатларнинг роли ва аҳамияти" мавзуида халқаро анжуман ўтказилди.**

# ПОЙТАХТДА ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Анжуманда ФЖЎИ, ОАВ, Тошкент Ислом университети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти экспертлари ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари, Россия, АҚШ, Буюк Британия, Индонезия, Япония, Ҳиндистон, Хитой, Туркия, Малайзия ва бошқа мамлакатлар мутахассислари ҳамда таҳлилчилари иштирок этди.

Тадбирнинг асосий мақсади, минтақа мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнида жамиятни демократлаштириш ва либераллаштиришга бўлган муносабатларни ўзаро уйғунлаштиришдан иборатдир.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**«Туркистон-пресс».**

## *Қишлоқ мулкдорлари*

# ЕРНИ ҚАДРЛАГАН КАМ БЎЛМАЙДИ



**Кейинги икки-уч йил ичида Оққўрғон тумани деҳқонлари қишлоқ хўжалигидаги имкониятларини тўла намоён этиб, тармоқдаги довруқ ва салоҳиятини қайта тиклаяпти, десак хато қилмаган бўламиз. Бунга бутун мамлакатимизда бўлганидек, аграр тармоқдаги ислоҳотлар, янгиланиш жараёнлари муҳим омил бўлаётгани ҳам сир эмас. Айтиш мумкинки, бугунга келиб, азалдан деҳқонлар юрти ҳисобланган Оққўрғоннинг қишлоқ хўжалигида банд бўлган кўп минг сонли меҳнаткашлари ҳаёти, меҳнат ва турмуш тарзи буткул янгича мазмун касб этаяпти.**

Ўтган қисқа вақт мобайнида тумандаги «Маданият», «Султонобод», «Қонқа», Ҳамид Олимжон, Алишер Навоий, Акмал Икромов номли, жами 9 та зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ширкатлар тарқатилиб, улар негизида фермер хўжаликлари қатлами шаклланганидан одамларнинг ерга, мулкка, меҳнатга бўлган қарашлари ва масъулиятини тубдан ўзгартирди. Бугун туманда иш юритаётган жамиятнинг истиқболли заминдорлари сони 700 нафардан ошди.

Шу сафдаги «Толмас» туманда анча кўзга кўринган, барқарор юксалиш ва ривожланиш йўлидан бораётган фермер хўжаликларидан биридир. Фермер Абдуҳалил Мирзаев билан учрашганимизда, у гапни хўжалигини нега айнан шундай номлаганидан бошлади.

— Ҳақиқий ер эгаси шундай бўлиши керак, — дейди у ҳазилнамо. — Замон тадбиркордан ҳормай-толмай меҳнат қилишни, муттасил янгиликка интилиб, изланиб яшашни талаб этмоқда. Осмондан чалпак кутиб, қўл қовуштириб ўтирган билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Қолаверса, очиқ айтиш керак, фаолиятимизни бошлаган илк кунларимизда турли қийинчилик, синов ва тўсиқларга ҳам дуч келганмиз. Уларни мардонавор енгиб ўтиш, муаммоларга оқилона ечим топиш учун ҳам ғайрат-шижоат керак, албатта.

Хўжаликнинг кейинги йиллардаги фаолияти билан яқиндан танишган киши, ерга омилкорлик билан эгалик қилиш, таъбир жоиз бўлса, ҳар қарич тупроқдан зар ундириш «Толмас» деҳқонларининг асосий вазифасига айланганига амин бўлади. Айни пайтда, хўжалик ихтиёрида қарийб 46 гектардан зиёд экин майдони бор. Бу йил унинг 25,6 гектарида пахта, 20 гектарида буғдойдан мўл ҳосил етиштирилди. Шунга яраша иқтисодий самарадорлик ҳам ошиб бораётир.

— Бу мавсум пахтачилик учун ниҳоятда қулай келди, — дейди хўжалик аъзоси, тажрибали пахтакор Абдусамад Турматов. — Бундан фойдаланиб, барча агротехник тадбирларга масъулият билан ёндошиб, оби-тобида ўтказишга ҳаракат қилдик. Натижа кутганимиздан ҳам аъло бўлди. Тузилган контрактация шартномасида ҳосилдорлик 27 центнер этиб белгиланганини ҳолда, биз бу кўрсаткични 43 центнерга етказишга муваффақ бўлдик.

Дарҳақиқат, хўжалик деҳқонлари мавсумда қабул пунктларига 110 тоннадан зиёд сифатли хом ашё етказиб бериб, зиммаларидаги вазифани туманда биринчилар қаторида адо этишди. Тармоқдан келадиган даромад 35 миллион сўмга етди. Бу кутилганидан қарийб 11 миллион сўм юқори самарадорликка эришилди, деганидир. Умуман, пахта ва ғаллачиликдаги муваффақиятлар эвазига хўжалик аъзоларининг йиллик даромадига ҳам барака кирди. Айтайлик, шу заминда меҳнат қилган механизатор Сафарали Зулфиқоров, сувчи Абдукарим Назирқулов, пахтакорлар Дилбар Зулфиқорова, Матлуба Назирқулова, Шаҳноза Абдуллаева, Бозоргул Ҳусанова йилни 2-2,2 миллион сўм даромад билан якунлашаяпти.

— Ғаллачилик ҳам хўжалигимизнинг сердаромад тармоғига айланган, — дейди хўжаликнинг яна бир аъзоси Абдукарим Набиқулов. — Бу йил тармоқдан 11 миллион сўм фойда кўрдик. Аъзолар қаторида улушимизга қараб дон олдик. Келаси йил ҳосили учун эса 14 гектар майдонга барака уруғини сочиб бўлдик. Бу сафар ғаллакорларимиз билан 60 центнерлик маррани кўзлаб турибмиз.

Ҳа, деҳқончиликда ҳаракатга яраша барака, меҳнатга муносиб манфаатдорлик бўлиши шубҳасиз. Буни оққўрғонлик фермерлар мисолида янада яққолроқ англаш мумкин.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## *Ҳуқуқий дарсхона*

# НИКОҲ ШАРТНОМАСИ ШУНЧАКИ БИТИМ ЭМАС

**Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, жамиятнинг бошланғич тузилмаси бўлган оилага, унинг ҳар жиҳатдан мустаҳкамланиб, оилавий муносабатларнинг такомиллашиб боришига эътибор кучайди. Бу бежиз эмас. Зеро, Юртбошимизнинг таъбири билан айтганда, оила — ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.**

1998 йил 1 сентябрдан амалда бўлган Оила кодексига эр-хотинларнинг қонуний мулки билан бирга «Эр-хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби» ҳам киритилган.

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ шартномаси, албатта, ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Оила кодексининг 30-моддасига мувофиқ никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради. Агар никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган бўлса, бундай никоҳ шартномаси кечиктириб бажариладиган шартли битим ҳисобланади. У фақат никоҳ тузилганидан сўнг кучга киради. Никоҳ шартномасини тузиш учун эр-хотин муомала лаёқатига эга бўлишлари лозим. Агар эр-хотиндан бири муомала лаёқатига эга бўлмаса, у ҳолда унинг номидан шартномасини унинг ҳомийси тузади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 31-моддасига биноан, фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш никоҳ шартномасини тузишга ҳам таъсир кўрсатади, муомала лаёқати чекланган шахс фақат майда маиший битимларни тузиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ шартномаси эр-хотиндан бирини оғир ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин эмас. Акс ҳолда бу битим баҳсли битим бўлиб, ҳуқуқи бузилган эр ёки хотиннинг даъвосига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши тўғрисидаги келишув ёзма шаклда бўлиши ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Агар никоҳ шартномаси бекор қилинмаган бўлса, у ҳолда ушбу шартнома никоҳ тугатилишига қадар амалда бўлади.

Никоҳ шартномаси эр-хотиндан бирининг талаби билан Фуқаролик кодексида белгиланган асослар ва тартибда суднинг ҳал қилув қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Никоҳ тугатилган пайтдан бошлаб никоҳ шартномасининг амал қилиши ҳам тугайди. Никоҳ шартномасида никоҳ тугатилганидан кейинги давр учун назарда тутилган мажбуриятлар бундан мустасно.

Никоҳ шартномаси ҳар қандай битим сингари суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси бугунги кунда жуда кўп муаммолар ечимини ҳал этадиган замон талабидаги шартномалардан бири эканлиги ҳақида вилоят адлия бошқармасининг нотариат, ФҲДЁ ва адвокатура бўлими, жойлардаги ФҲДЁ бўлимлари ҳамда қишлоқ фуқаролари йиғинлари раислари томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

**Заҳро КАРИМОВА,**
**вилоят адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси.**

**Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил 23 мартда қабул қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори аграр соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ аҳли турмуш даражасини янада яхшилашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.**

# ОИЛА УЧУН ҚУТ-БАРАКА МАНБАИ

Тошкент вилоятида мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида ўтган давр мобайнида ҳомийлар ва хайрия ташкилотлари кўмаги билан кам таъминланган икки ярим минг оилаға қорамол тарқатилди. Сигир сотиб олиш учун 1 минг 210 фуқарога 950 миллион сўмликдан зиёд микрокредит ажратилди.

Тошкент вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Ҳикмат Исамуҳаммедовнинг таъкидлашича, чорва молларини боқаётган йигирма бир минг нафар фуқарога меҳнат дафтарчаси очилди.

– Мен ҳам банкдан олинган кредит эвазига сигирли бўлдим, – дейди Паркент тумани "Қуруқсой" маҳалласида истиқомат қилувчи Умида Ҳамидова. – Чорва рўзғор учун қут-барака манбаи экан. Шунинг учун келгусида чорва молларини кўпайтириш билан шуғулланмоқчиман. Меҳнат бўлимида менга ҳам меҳнат дафтарчаси очилиб, ишли бўлдим.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

**Мамлакатимизда улғайиб келаётган авлодни ҳар томонлама етук, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 10 октябрда қабул қилган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисидаги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида тегишли давлат, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари ҳамкорлигида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Айни пайтда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳузурида ташкилот низоми ва дастурининг янги лойиҳаси бўйича ёшлар таклифларини ўрганиш маркази ишлаб турибди.

Марказ раҳбари ўринбосари Дилфуза Шодиеванинг айтишича, ҳозиргача ёшлардан тўрт юздан кўпроқ таклиф тушган. Уларда ташкилот фаолиятининг янада таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ кўплаб масалалар қамраб олинган. Ташкилотнинг дастури йўналишларини кенгайтириш, низомини ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш, бошланғич ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ таклифлар шулар жумласидандир. Бундай таклифларни жамлаш ва кенг оммага етказиш мақсадида ҳафталик ахборотнома чоп этиш йўлга қўйилди.

Унинг илк сонида Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилояти ёшларининг таклиф ва ташаббуслари ўз ифодасини топган. Ёшларимиз "Камолот" аъзоларининг махсус кўкрак нишони таъсис этилиши, фермер хўжаликлари уюшмаларида бошланғич ташкилот етакчилари штати жорий этилиши, аъзолик ёши узайтирилиши, ёшларни иш билан таъминлашда "Камолот" томонидан бериладиган тавсияномаларнинг аҳамиятини кучайтириш, ташкилот таъсис этилган кунни "Ёшлар куни" деб белгилаш сингари мулоҳазаларни билдиришган.

Ахборотномада, шунингдек турли жамоаларда "Камолот"нинг низоми ва дастури муҳокамасига бағишлаб ташкил этилаётган тадбирлар иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларига ҳам алоҳида ўрин ажратилган.

**ЎзА.**

**Паркент туманидаги 3-умумтаълим мактабида «Маданиятсиз эркин ҳаёт қуриб бўлмайди» мавзусида учрашув бўлиб ўтди.**

# АЁЛЛАР УЧРАШУВИ

Қизиқарли тадбирда Хўжа, Учоқ, Қўличи ҳамда 19 Сой маҳаллаларида истиқомат қилувчи аёллар иштирок этишди. Туман прокуратураси, ички ишлар бўлими ва «Саломатлик» маркази ходимларининг маърузаларида асосий эътибор аёлнинг жамиятда тутган ўрни, бола тарбияси ҳамда турли касалликларнинг олдини олиш масалаларига қаратилди.

Тадбир сўнггида аёллар ўзларини қизиқтирган саволларга мукаммал жавоб олишди.

**Нодира ВАҲОБОВА.**

# КИЧИК ЖАМОАНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

**Олмаликдаги йирик саноат корхоналари, маданий-маиший, соғломлаштириш муассасалари фаолиятини «Ўзсаноат-вентиляция» бошқармасининг шаҳардаги корхонаси иштирокисиз тасаввур қилиш қийин.**

Бу жамоа уларнинг иш жойларини тоза ҳаво билан таъминлайди. Корхона раҳбари Абдунаби Турсунов билан жамоанинг бугунги фаолияти ва истиқбол режалари ҳақида суҳбатлашдик.

— Шаҳар бунёд этилган дастлабки даврдан то ҳозиргача корхонамиз ўзига хос йўлни босиб ўтди, — деди у. — Биз нафақат шаҳримиздаги объектлар, балки юртимизнинг кўплаб муҳим қурилишларида иштирок этганмиз. Жамоамиз ўрнатган ҳаво сўриш ва тортиш жиҳозлари ҳозиргача бенуқсон ишлаб турибди.

Шу йилнинг ўтган даврида катта ҳажмдаги ишларни бажардик. Тошкент шаҳрида 16-марказий шифохона, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, чўмилиш-соғломлаштириш ҳавзаси, Чинозда бунёд этилган тўқимачилик корхонаси, вилоятимиздаги 12 та касб-ҳунар коллежлари ва бошқа шу каби қатор йирик объектларда жиҳозлаш, бутлаш ишлари амалга оширилди.

Олдимизда катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Ҳозиргача бир қанча буюртмачилар билан шартномалар туздик. Чунончи, Тошкент кабель заводида ҳаво сўриш ва тортиш ишларини бажаришга доир 58 миллион сўм, Нуробод қўрғонида қурилаётган янги объектда салкам 40 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштиришимиз керак.

Олмаликда пудратчи сифатида иш юритишдан манфаатдормиз. Бу ердаги корхоналарда ҳавони тозалаш ускуналарини мукаммал ёки қисман таъмирлаш билан муттасил шуғулланамиз. Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Аммофос» очиқ акциядорлик жамиятлари билан манфаатли ҳамкорликка доимо шаймиз. Бунинг учун техник ва хом ашё имкониятларимиз етарли. Комбинатга қарашли мис эритиш заводи ва қўрғошин саралаш фабрикасида таъмирлаш, бутлаш ишлари бўйича шартномамиз бор.

Замонавий, қулай, сифатли ишлайдиган вентиляция жиҳозларини ўрнатиб беришда узоқ йиллик тажрибамиз қўл келмоқда.

**Суҳбатни Ҳасан АБДУЛЛАЕВ ёзиб олди.**

